



# YOSHILAR OVOZI

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО МАҚОМ САЊАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам халқаро анжуман иштирокчилари!  
Қадри дўстлар!  
Хонимлар ва жаноблар!  
Бугун бағрикенг, меҳмондўст, санъатсевар ўзбек дийёрида катта байрам, катта шодиёна.

Жонажон Ватанимизнинг гўзал ва бетакор масканларидан бири Шаҳрисабз замида, буюк Амир Темур бобомиз бунёд этган муаззам Оксарой майдонида Халқаро мақом санъати анжумани тантанали равишда очилмоқда. Шу муносабат билан сиз, азизларим, ўз ҳаётини ноёб мусиқа дурдонаси бўлиш мақом санъатига бағишлаган фидойи инсонларини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги тантанамизда иштирок этаётган юқори мартабали меҳмонларимиз ЮНЕСКО, Осие фольклор ижодиёти ташкилоти каби нуфузли халқаро тўзималар вакилларига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Россия Федерацияси Президентининг маслаҳатчиси Владимир Ильич Толстойга, Қирғизистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Султанбай Раёевга, Қозғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Арстанбек Мухаммад ўлига, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Ҳурмутовга, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абулфасл Гареевга, Туркия Республикаси маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Аҳмад Халук Дурсунга ўз ташаккурларимизни билдирамиз. Уларнинг юртларида ҳам мана шундай санъат байрамлари кўп бўлсин ва уларда қатнашиш бизга ҳам насиб этсин.

Яна бир қатор давлатларнинг маданият соҳаси раҳбарларини, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчиларини самимий қўтлаб, чуқур миннатдорлик билдиришга рўхсат этгайсиз.

Биз сизларнинг тинчлик ва эзгулик намоёналарини, халқимиз ва маданиятимизнинг ҳақиқий дўстларини кўраимиз.

**Хуш келибсиз Ўзбекистонга, хуш келибсиз Шаҳрисабзга!**  
Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу санъат байрамида дунёнинг 73 давлатидан келган 300 га яқин иштирокчилар ва меҳмонлар қатнашмоқда. Уларнинг орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида ҳам машҳур хонанда ва созанда, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар борлиги барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Бугун Шаҳрисабзнинг мовий гўмбазлари остида жаҳондаги кўплаб халқлар ва мамлакатларнинг муҳаббат хазинасига айланган, ўзининг теран фалсафаси, илоҳий қудрати билан минг-минглаб қалбларни мафтун этадиган мақом садолари баралла янграмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, биз учун бебаҳо бадий қомус бўлган мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифодалаётган келмоқда.

Шарқ мумтоз адабиёти, тасвирий санъати, илму маърифат, исломий қадриятлардан озиқланган мақом санъатига — ана шундай буюк маданий мерос ривожига ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса

қўшгани билан биз ҳақиқат равишда фахрланамиз.

Бу ноёб бойлиқни кўз қорачигилек асраб-авайлаш, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси наслларга безавол етказиш турли қўтлаб ва мамлакатлар вакиллари бу гўзал масканда мужассам этган анжуманимизнинг асосий максалидир.

Қадри дўстлар!  
Бугунги санъат форумини айнан Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этганимиз бежиз эмас, албатта.

Бу шаҳар ўзининг 2700 йиллик кўҳна тарихи давомида оғир ва машаққатли синновларни, таҳликали замонларни ўз бошидан кечирди. Аммо ҳар қандай мураккаб даврлар, уруш ва босқинлар, табиий офатлар ҳам уни тарих саҳифасидан ўчира олмади.

Шаҳрисабз буюк саркарда ва давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур бобомиз қалмига етган мўтабар маскан сифатида ҳам дунёга маълум ва машҳурдир.

Бу шаҳар қадим-қадимдан улуғ аллома ва шоирлари, санъат ва маданият аҳли, қўли гул усталари, моҳир ҳунармандлари билан шўҳрат қозониб келди. Унинг бағридаги ноёб меъморий обидалар, ноҳир ёдгорликлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, фидокорона меҳнати билан Шаҳрисабз юртимизнинг энг обод масканларидан бирига, замонавий маданият ва туризм марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Муҳтарам меҳмонлар!  
Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон замини қадимий цивилизация, маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келаётгани, ўялайманки, сизларга яхши маълум.

Самарқанд вилоятининг Мўминобод қишлоғидан топилган 3 минг йиллик най чолғуси, Термиз яқинидаги Айритом археологик ёдгорлигида акс этган созандалар тасвири ва бошқа кўплаб мисоллар миллий мусиқа санъатимиз, ҳеч шубҳасиз, бой ва қадимий тарихга эга эканидан далолат беради.

Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг айнан “наво”, яъни, мусиқий оҳанг, деган сўзни ўзларига тахаллус қилиб, бутун дунёда шўҳрат топганини барчамиз яхши биламиз.

**Халқимиз бадий тафаккурининг маҳсули бўлган “Шашмақом”, яъни, олти мақомни, таъбир жоиз бўлса, олти азим дарёга қиёсдаш мумкин.** Бу дарёлар асрлар давомида жаҳон маданият уммонига қўйилиб, уни ҳар томонлама тўлдириб, бойитиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаззам мусиқий дурдона ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани чуқур маъно ва аҳамиятга эга, деб ўялайман.

Азалдан санъатни, мусиқани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрайдиган эл-юртимиз бугунги анжумани катта қувонч ва ҳаяжон билан қўтиб олмақда.

Бугун биз ана шундай улкан маънавий бойлиқнинг шаклланиши ва тарққиётда, бу умрбоқий санъатнинг бизгача етиб келишида беқиёс хизмат кўрсатган улуғ шоир ва мутафаккирлар, бастакор ва созанда, буюк ҳофизларнинг хотира-

сини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этамиз.

Азиз дўстлар!  
Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

**Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билшимиз, ўрганишимиз керак.**

**Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.**

**Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, ўниб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.**

Мақом санъатининг маданий ҳаётимиздаги ана шундай беқиёс таъсирини инobatта олиб, мамлакатимизда бу борода кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, сизлар анжуман кунларида ҳаммасиб дўстларингиз, санъат муҳлислари билан мулоқотда бўлиб, ана шундай ишлар билан атрофлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқласин.

Ўялайманки, бугунги анжуман олдимида турган муҳим назарий-амалий муаммоларни атрофича муҳокама қилиш, бу борода халқаро тажриба, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш, турли маданий ва ижодий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро борди-келдиларни йўлга қўйиш бундан тақдирлар ишлаб чиқиши айна мудао бўлур эди.

Шу маънода, анжуман доирасида ўтказилаётган “Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бу йўлда муҳим қадам бўлиши табиий.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги санъат ва нафосат байрамини юксак савияда ўтказиш учун ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб қашқадарё вилояти ва Шаҳрисабз аҳлига анжуман иштирокчилари номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!  
Азиз меҳмонлар!  
Сизларнинг бевосита иштирокингизда бошланаётган бугунги халқаро анжуман бардавом бўлиб, узоқ ва яқин минтақаларда мақом санъати ривожини янги босқичга кўтариш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Барчангизни халқаро мақом анжуманининг очилиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган мақом санъатимиз ҳамisha гуллаб-яшнасин!

Унинг фидойилари доимо бор бўлсин, омон бўлсин!  
Барчангизга сўхат-саломатлик, олижаноб фидокорликнинг янги ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилаяман.

Катта раҳмат сизларга, яна бир бор хуш келибсиз Ўзбекистонга!  
Эътиборингиз учун ташаккур.

## УМРБОҚИЙ МАҚОМНИНГ ЖАҲОНИЙ ТАНТАНАСИ

Шаҳрисабз шаҳрида 6 сентябрь кuni Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади



2-сезиғаға қаранг

## ИМКОНИЯТ ИНТИЛСАНГ АРСИЙДИ



Тошкент шаҳридаги Инха университети болалар учун “Дастурлаш соати” акциясини ўтказди. Унда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қизиқувчи



“Scratch” дастурлаш тилдада утилди, болалар “Android” мобил иловалари асосида муайян веб-сайт яратишга уриниб қурди.

Инха университети ёшларнинг АКТ соҳасидаги ижодий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида бундай қизиқарли лойиҳаларни мунтазам амалга оширишни кўзда тутган.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йилда ушбу таълим даргоҳида ўқувчилар учун “Codecraft” дастурлаш курслари очилган эди. Мазкур ташаббус ҳам ўғил-қизларнинг компьютер саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Роҳатой ҚОДИРОВА

## ISLOHOT ODIMLARI

### ДЎСТЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Урганч шаҳрида “Дўстлик ва нодавлат нотижорат ташкилотлари уйи” очилди



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этиди.

Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролинини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳудудлар эътиёжидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мар-

## ESHITDINGIZMI?

### ЭНГ ЁШ СЕНАТОР

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши раиси Жамшид Ҳужаев Олий Мажлис сенатори этиб сайланди.



## САВОДХОНЛИККА ДАЪВАТ

8 сентябрь дунё миқёсида Халқаро саводхонлик кuni сифатида нишонланади. Мазкур сана ЮНЕСКО томонидан 1966 йилда таъсис этилган.

Халқаро ташкилот ҳар йили саводхонликни кенг тарғиб қилгани учун жами беш кишига Конфуций номи ҳамда Жанубий Корея ҳукумати томонидан молиялаштирилган Седжонг мукофотларини топширади.

## КЕСКИН ЧОРА

Эндиликда интернет тармоғида фаолият кўрсатаётган бирор сайт ёки блогер республикамиздаги конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш, уруш, зуравонлик, террористик ва экстремистик гояларни, порнография, гивандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини ошкор этиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзга ташлашга қаратилган, шунингдек, фуқаронинг шахсий ҳаётига аралашшига йўл қўювчи ахборотни тарқатган тақдирда, унинг ресурсларидан фойдаланиш ўз-ўзидан чеклаб қўйилади.

Бу ҳақда мамлакатимиз ҳукумати тегишли қарор қабул қилди.

## МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ — МУМКИН

Жорий йилнинг 1 октябрга қадар юртимизда масофавий ўқитишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, олий таълим муассасалари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шугullanувчи муассасаларга, мулкчилик шакли ва бўйсунуви билан қатъи назар, масофавий ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

## “АТЛАС БАЙРАМИ”ГА МАРҲАМАТ!

Уни 11-15 сентябрь кунлари Марғилон шаҳрида ўтказиш кўзда тутилган.

Туртинчи бор ташкил этилаётган фестивал дастуридан “Буюк Ипак йўлидаги Шарқ ва Ғарб таъсири: Ханчжоу, Марғилон, Валенсия” мавзусидаги халқаро илмий конференция, ёш ҳунармандлар учун маҳорат дарслари, тўқимачилик кўргазмаси ўрин олган. Меҳмонлар амалий санъат буюкларини ярмаркаси, шоу-дефилеси, концертлар, кураш мусобақаси, дорбозлар томошаси, қўйроққ театралари чиқишларидан ҳам баҳраманд бўлиши мумкин.

Ўз ахборотимиз.

Сумбулой НУРМЕТОВА

# МЕҲРСИЗЛИКДАН ЛОҚАЙДЛИК УНАДИ

Кумар БЕГНИЯЗОВА

Салкам бир ой муқаддам фарзандни бўғиб ўлдирган андижонлик аёлга ҳукм ўқилди. 24 ёшли қиз бувисини ўлдириб, ҳовлисига кўмди. Тошкентда оила боши қизи ва аёлини пичоқлаб қўйди. Эр-хотиннинг жанжали фожиа билан якунланди. Негадир сўнгги пайтларда бундай муҳривокчалар қўлоққа тез-тез чалинади деган бўлиб қолади. Худди реал дунёда эмас, кинода яшайтгандекми...



Олий Мажлис Сенатининг ахборот хизмати берган маълумотларга қараганда, жорий йилда Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида қасдан одам ўлдириб, Андижон, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикасида оғир тан жароҳати етказиш, Жиззахда босқинчилик, Наманган, Жиззах ва Қорақалпоғистон Республикасида транспорт воситасини олиб қочиш жиноятлари қўлайган. Эътибор беринг, ҳар бир ҳолатда Қорақалпоғистон Республикаси тилга олинмоқда. Тинч-сокин бўлган бу дийрга кимнинг кўзи тегай экан?

Ижтимоий тармоқда “Жамиятда хавфли вирус тарқалган” деган пост

пайдо бўлди. Ушанда пост эгасига ёзган раддиямга кўпчилик қарши чиққанди. “Бу вирус инсонларни шафқатсиз ва дангас қилиб қўяди. Ҳатто, она болага, ака укага бемехр бўлиб кетади”, — деб ёзгани фойдаланувчилардан бири. Бир ҳисобдан, у ҳақ гапни айтганди. Ахир, юқорида биз тилга олган жиноятлар ўзга сайёрада эмас, ўзимизнинг Ўзбекистонда содир бўлган-ку. Демак, одамлар бешафқат бўлиб бораётгани рост.

Бизга кўз теккан дедим. Гапимда бир сиқим муболага ёки ёлгон йўқ. Ҳамма нарсага бурнини тикаётган интернетнинг ҳам айби бор. Ун икки мингдан зиёд бузғунчи сайтлар шунчаки очиб қўйилган дейсизми? Улар ёшлар маънавиятига

болта уради. Бу қуролли урушдан ҳам баттар!

Юксак маънавиятли шахслар худди шундай юксак маънавиятли жамиятда шаклланди. Жамиятни эса, китоб кўрган одамлар тарбиялайди. Ёшлар мутулаадан узоқлашиб кетди, деб кўп нолиймиз. Аммо аслида — фарзандларимизда китобга меҳрнинг уйғотолмаяпмиз, холос! Болага кичкиналигидан эртаси ўқиб берсақ, катта бўлганда, иллатларга сира яқин йўламайди. Биз эса, болага йиғламайсин, деб телефон ушлатамиз.

Журналист Хусан Карвоний ўғлига ҳеч китоб ўқитолмади. Охири: “Агар берган китобларимни ўқиб, мазмунини айтиб берсанг, телефон совға қиламан”, деб ваъда берди. Ўқиб китобларни ўқиб тугатган, журналист отасига “Менга телефон эмас, ёзиб-ўқишга компьютер олиб беринг”, — деган экан.

Китоб инсонга ёмонликни йўлатмайди. Демак, жиноятчиликка қарши курашишда ҳам у беминнат дастуримизга айланиши мумкин.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Тўртқул, Хўжайли, Беруний туманларида жиноятчилик сони ошган. Қинғир йўлга кирганларнинг аксарияти ғирт бекорчи ёки хорижга ишлаш учун бориб юрган шахслардир. Уларнинг айримлари умидсизликка берилиб, дангас бўлиб қолган. Олимлар бунинг асосий сабаби оиладаги носоғлом муҳита эканини айтиди. Оилада тинчлик-товувилик ҳукм сурса, фарзандлар камдан-кам ҳолатда тўғри йўлдан адашади. Кўча-кўйда озгидан бола кириб, шоди чиқаётган айрим тенгдошларимизни кўриб, булар келажакда қандай ота-она бўлади, деган ўйда юрагинг титилди.

Фарзанд ўз-ўзидан улағайиб қолмайди, унга меҳр, эътибор ва таълим керак. Таълим-тарбия эса, гулдаликдан бошлангиси лозим. Шунинг учун, китобларни, аниқлар!

# УМРБОҚИЙ МАҚОМНИНГ ЖАҲОНИЙ ТАНТАНАСИ

Давлатимиз раҳбари Амир Темур бобомиз барпо этган Оқсарой майдо-нида ўтаётган халқаро мусиқа санъати анжумани иштирокчилари ва меҳмонларини қутлаб, жаҳон халқларининг мусиқий хазинасига айланган мақом санъатини кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш мазкур анжуманининг асосий мақсади эканини таъкидлади. Ўзбекистоннинг ушбу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, нуфузли санъат анжуманида иштирок этиш учун ташриф буюрган халқаро ташкилотлар, мақом ижрочилиги бўйича катта мақтабга эга мамлакатлар маданият соҳаси мутасаддилари, санъат арбобларига миннатдорлик билдириди.

Шундан сўнг анжуманининг очилишига бағишланган театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди. Саҳнада “Шашмақом”нинг дунёда эътироф этилган олтинта шўба тармоғига мансуб мумтоз

ашуалар янгради. Вилоятларнинг фольклор намуналари, бетакрор рақслар дилларни жуштирди. Шўх куй-қўшиқлардан завқланган томошбинлар санъаткорларга жўр бўлди. Ажойиб томоша узоқ-узоқ юртларга трансляция қилинди.

Халқаро санъат анжуманида 73 давлатдан 300 дан зиёд меҳмон иштирок этмоқда. Бу эса, сўзсиз, унинг юксак мақоми ва нуфузидан далолат беради.

Анжумани Шаҳрисабзда ўтказиш ташаббусини Президентимизнинг шахсан ўзи илгари сурган эди. Аслида бу қарорнинг тарихий негизи бор. Зотан, манбаларда ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур мақомнинг илк мактабини айнан Шаҳрисабз замида шакллантирган экан. Мақом санъати бугун ҳам халқимиз эъзозиди. Бу йўналишда яратилган асарлар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган.

“Шашмақом”, “Катта ашула” инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Жаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани фикримиз тасдиғидир.

Бугун санъат халқларида сақланиб қолган мақомнинг моҳиятида ажодларимизнинг бой тафаккури мужассам. Шу боис, юртимизда уни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўҳна мақом санъатининг бадиий-эстетик аҳамиятини тиклаш, замонавий мусиқий жараённинг ажралмас таркибий қисми сифатида ижодий, ижро ва илмий салоҳиятини юзага чиқариш йўлида салмоқли ишлар бошланди. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда Мақом маркази ташкил этилмоқда, барча вилоятларда мақом ансамбллари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар икки йилда ўтказилиши белгиланган Халқаро мақом санъати анжуманидан ҳам катта натижалар кутса бўлади.

Санъат байрами юртимизда 10 сентябрга қадар давом этади. Якунда халқаро ҳайъат “Энг яхши мақом ансамбли”, “Энг яхши якка-хон чолу ижрочиси” ва “Энг яхши якка-хон хонанда” номинациялари бўйича ғолибларни аниқлайди.

ЎЗА МАТЕРИАЛИ  
АССОСИА ТАЙЁРЛАНДИ.

# Сўз анжумани иштирокчиларига

Шамсидин ҲУСАНКАСИМОВ,  
Тожикистон Республикаси маданият вазири:



— Мақом санъати тожик халқида ҳам эъзозланади. Мамлакатимиз раҳбари Эмомали Раҳмон, айниқса, бу санъатни жуда қадрлайди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий маданият, санъат, хусусан, мақом санъатини янада ривожлантириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратаётгани хорижий санъаткорлар ва мутахассисларни ҳам хурсанд қилмоқда. Шаҳрисабзга келиб, мақом Ўзбекистонда жуда юксак эъзозланиши, унинг ривожини йўлида улкан ишлар бошлангани ва бу ўз самараларини кўрсатаётганини гувоҳ бўлдим.

Мақом — бутун дунёда эътироф этиладиган санъат. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКО уни номоддий маданий мерос рўйхатига киритган. Биз таъбир доирасида “Шашмақом” ва “Шашмақом шарҳи” номи китобларини совға қилдик. Келажакда ушбу нуфузли анжумани бутун дунё миқёсда катта шўҳрат қозонишига тилалашимиз. Ўзбекистон замидада ўтаётган ушбу анжумани қанча кўп ривожланса, бизнинг халқимиз ҳам шунча хурсанд бўлади. Чунки биз эту тирноқимиз. Биримизнинг ютуғимиз, иккинчимизники ҳамдир. Бинобарин, мақом санъати умумий миллий бойлигимиз ҳисобланади.

Магалишна ВАЛДИВИЯ,  
санъатшунос (Мексика):



— Шарқ халқларининг мумтоз санъатига қизиқишим баланд. Шу боис фестивалда иштирок этишга қарор қилдим. Эларни тиллар эмас, куй бираштиради, деганларни рост. Бунинг мақом мисолида ҳис қилмоқдам. Ундаги ҳар бир ашула ва мусиқада ўзига ҳис ноёб оҳанг, кишига рўйи қувват берувчи куч мужассам. Гарчи сўзларнинг маъносини тушунмасанг-да, куйдаги оҳанг қалбни ларзага солади. Тинглаш мубоиятида кайфиятигда баъзан ҳазинлик, ғоҳ жўшқинлик сезасан. Шунинг учун ушбу санъатни самоларга парвоз қилувчи кўшга, тинчлик элчисига қиёслашар экан.

Ўлмас БАРОТОВ, ЎЗА муҳбири

# TAQDIMOT

## ҚИММАТЛИ МАНБА

Таниқли фан арбоби, тарихчи ва археолог Аҳмадали Аскарлов қаламига мансуб “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номи китоб энди рус тилида ҳам чоп этилди. Пойтахтимизда янги нашрнинг тақдимот маросими ўтказилди.



Мухбиримиз

Таъбирда иштирок этган олимлар ушбу илмий асар тарихимизни чуқур ўрганишига қимматли ва ишончли манба бўла оlishini таъкидлади. Китобда ўтмишимизга доир айрим қарашлар ҳам инкор эти-

либ, шунга яраша илмий далил-исботлар келтирилган. Келгусида монография инглиз ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинади.

# MENING FIKRIM

## ҲАР МАҲАЛЛАНИНГ КУТУБХОНАСИ БЎЛСИН

Холида АБДУСАТТОРОВА

Болагимда онам ўқиган китобларим сонига қараб мени рағбатлантирар, ўзи ҳам тез-тез бадиий асарлар совға қиларди. Шу боис уйда ҳаммамнинг ўз шахсий кутубхонаси бўлган.

Бугун мамлакатимизда китобхонлик-ка нечоғлиқ юқори эътибор қаратилмаётгани ҳар биримизга аён. Шу мақсадда ўтказилаётган танловларни айтмай-сизми. Энг кўп китоб ўқиганга ҳатто автомобиль совға қилинапти. Ёзи тавти кўнларида кўчада бекорчи юрган ўсирилари кўриб, онам: “Маҳалламизда кутубхона бўлганида эди, мана шулар китоб ўқини қанда қилмасди” — дерди куюниб.

Яхши ният — ёртимол, деб бежиз айтмас экан. Яқинда маҳалламизда кутубхона ташкил этилди. Атрофи обод, хоналари ёруғ. Кўриб кўзингиз кувнайди. Волидамнинг секинчи ичига сиғмай, қандай адабиётлар ҳаял қилсам экан, дея ҳаракатга тушади.

Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Янги маърифат маскани бирон марта ҳам гавжум бўлганини кўрмадик. Қачон қарама,

эшигига каттакон кулф осиб қўйилган.

Одамлар: “Айрим ёшлар интернет турига ўралиб, китобни унутди. Мутулаадан узоқлашиб, ўз тарихини билмаслик ва ўрганмаслик маънавий таназзулга олиб келади”, — дея тинмай ҳасрат қилади-ю, лекин танбалаган кутубхоналар ҳақида биров лом-мим демаяди.

Пойтахтимизнинг қайси маҳалласига кирманг, сон-саноксиз дўконларга рўпара келасиз. Таассуфки, шулар ичида китоб у ёқда турсин, ақалли газета-журнал топиш амри маҳол. Қорин гамини еймиз-у, бироқ тафаккурни бойитиш, дунёқарашни кенгайти-

риш масаласи кейинги даражага тушиб қолмоқда.

Ҳақли савол туғилади: бу кетишда китобхонликни қандай ривожлантира оламиз? Кутубхоналарни хўжақўрсинга кўриб қўйишдан кимга, нима наф? Таклифим, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди мазкур масалани чуқурроқ ўрганиб, оқилона ечим топса. Кутубхона очилиши истагидида сахий инсонларни қўллаб-қувватлаб, маҳаллаларов китобхонлик танловларини ўтказишга ҳам бош қўйса, нур устига нур. Ўйлайманки, бундай ташаббуслар келгусида, албатта, ижобий самара беради.

# SAYONAT

Лайло ҲАЙИТОВА

Мисрлик таниқли олимлар Аҳмад Тарабик, Аҳмад Ражаб Мухаммад Али Ризқ ва Магда Махлуф Бухорога ташриф буюрди.

## МИСРЛИК ОЛИМЛАР БУХОРОДА

Юртимизнинг тарихий қадамжоларини зиёрат қилиш, буюк ажодларимизнинг илмий меросини ўрганишга қаратилган сафар давомида меҳмонлар Баҳроудин Нахшбанд ёдгорлик мажмуаси, Мир Араб олий мадрасаси, Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий мақбараси, Мир Араб ва Жўйбори Калон ўрта махсус ислом билим юртлари, Пойи Калон мажмуасида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди. Саёҳат давомида олимларга шариф шаҳарнинг тарихи,

ҳудуднинг ислом тамаддунида тутган ўрни, бу заминдан етишиб чиққан улуғ аломалар ҳақида маълумот берилди.

— Ўзбекистонда маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ислом маърифатини тарғиб қилиш, тарихий қадамжоларини ободонлаштириш борасида қилинаётган ишлар таҳсинга сазовор, — дейди Қоҳира университетининг мейморчилик кафедраси профессори Аҳмад Ражаб Мухаммад Али Ризқ. — Айниқса, Мир Араб олий мадрасаси ва бошқа ислом

билим юртлари фаолияти мени лол қолдиради. Саёҳат давомида олган таассуротларим кейинги китобим учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Эслашиб ўтамиз, тарихчи ва археолог олим Аҳмад Ражаб Мухаммад Али Ризқ “Ёдгорликлар ва Бухоро ислом маданияти” номи икки жилли китоби, Қоҳира университетининг Марказий Осие мамлакатлари бўйича етакчи мутахассиси Аҳмад Тарабик эса, “Ўзбекистон — ислом тамаддуни манбани” китобининг муаллифидир.

# AKSIYA

Республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида саломатликни тарғиб қилиш кўнлари ўтказилмоқда.

## КЕЛИНГ, КЎРИКДАН ЎТИНГ

Акция маданият ва истироҳат боғларидаги махсус павильонларда ташкил қилинганки, маданий ҳордиқ чиқариш ёки сайр қилишга чиққан юртдошларимиз бир йўла тиббий кўриқдан ўтиб кетиши ҳам мумкин.

Аҳолига пойтахтимиздаги тиббий-илмий марказлар, вилоятлардаги етакчи тиббиёт муассасалари ва олий ўқув юртлари мутахассислари баҳоли қудрат хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, кўча бригадалар томонидан олис ҳудудларда истиқомат



қилаётган кекса ва ногиронларнинг саломати урганилиб, стационар даволашига муҳтожлар

тегишли клиникаларга йўналтириляпти.

Мухбиримиз

# TASHABBUS

## АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Файрат ИКМАТУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтда Ёшлар иттифоқининг Зангиота тумани кенгаши билан ҳамкорликда туман етакчилари учун ўқув-семинари ташкил этилди.

Машгулотларда мазкур таълим-тренинг сифатида институт кўмондонлиги, жамоатчилик таърибий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан бир қатор амалий тақлифларни ўртага ташлади.

Хусусан, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни (пайшанба), институт мутахассислари қатнашди. Ўзро мулоқот жараёнида эса, етакчилар ёшларни таърибий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан бир қатор амалий тақлифларни ўртага ташлади.

Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни (жума) муносабати билан таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маърифий таъбирларга Миллий гвардия Ҳарбий-техника институт мутахассислари кенгроқ жалб қилиш ва, аксинча, институтда очик эшиклар кўнларини ўтказиб, ўқувчи-ёшларни тақлиф этиш тақлифи берилди. Мутасаддилар билан мазкур йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида режа ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Семинар якунида фаол иштирокчиларга эсалик совғалар топширилди.

## КУРСАНТЛАР ҚАСАМЁДИ

Фарҳоджон ҲОЖИЕВ,  
Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчиси, катта лейтенант

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида биринчи босқич курсантларининг қасамёди қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Таъбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, курсантларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари иштирок этди.

Тантанали маросимда сўз олганлар, институтга қабул қилинган ёшларни самимий қутлаб, ҳамиша ўқиб-ўзла-нишда бўлиш, иста-зраббийлар сабогини кўнг билан ўзлаштириш,

истеъфодаги фахрий хизматчиларнинг ҳаётини ибрат олиб, яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга чорлади.


Якунда аъло баҳо-ларга ўқиши ва жамоат ишларидаги фаолиги учун Ички ишлар вазирлиги стипендиясига сазовор бўлган тўрт нафар курсантга фахрий ёрликлар топширилди.

## DOLZARB MAVZU

# "ҚОРА САҲИФАЛАР" ДАГИ АЖАЛ

Диёр ПАТХУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг хорижда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан ишлаш бўлими мудири

"Кладмен", "сирли манзил", "қора саҳифа". Бу тушунчалар сизга танишми? Эҳтимол. Ҳарқалай, бизга унча беғона бўлмаган россиялик ёшлар улардан яхши хабардор.




Гиёҳвандлик моддаларини белгиланган жойга етказиб берувчилар интернет мақолада кладмен деб аталади. Қизиги шундаки бу машум шахслар ўз борагини имкон қадар билдирмасликка ҳаракат қилади. Мижозлар билан эса, асосан, интернетнинг "қора саҳифалари" (махсус кодланган сайтлар) ёки турли ижтимоий тармоқлар орқали алоқа қилишга одатланган.

Россия Федерацияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тарқатган сўнгги маълумотларга кўра, мамлакатда қайда этилаётган жиноятларнинг ҳар ўн биринчиси гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ. Шуниси ҳам аёнки, захри қотил билан масофадан туриб савдо қилиш ва уларни етказишда кладменлар хизматидан фойдаланиш тибора оммалашмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланмаси кўча савдосидан интернет мақомига кўчди. Илгари кўчадан мижоз "овлаган" наркотиқлар эса, эндиликда интернет манзилларида шифрланган аноним реклама тарқатувчиларга айланди. Россиялик экспертларнинг фикрича, мазкур тенденция 2011 йил, яъни мамлакат ҳукумати кўчадаги наркотиқлар савдосига қарши курашиш кампаниясини бошлагандан сўнг юзага кела бошлади.

Юқоридаги ҳолатнинг бизга нима алоқиси бор, дейишингиз мумкин. Шошилманг. Саволингизга жавоб топасиз.



Аввал қуйидагиларни ўқинг.

Россия Федерациясига ишлаш ёки ўқиш мақсадида келган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўн беш йилгача (!) озодликдан маҳрум этилиши мумкинлигини ҳатто тасаввурига ҳам келтирмайди. Ваҳоланки, шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Россияда ўқийётган юртдошларимиз бўш вақтида қўшимча даромад топиш мақсадида ишлайди. Бу тушунарли ҳол. Чунки барча талабаларнинг ҳам тўқис яшашига кўриб етмайди. Шартнома асосида таълим олувчиларга-ку, икки ҳисса қийин.

Ҳўш, қоракўз йигит-қизларимиз ишни қаердан излайди? Аслида бундай талабгорларни баъзи "иш берувчилар"нинг ўзи – ижтимоий тармоқлар ёки шаҳар кўчаларидан қидириб топади. Мисол учун, "ВКонтакте" месенжерининг энг оммабоп саҳифаларидан

бирида кўнгилиларга мўмай ҳақ эвазига масофадан туриб ишлаш имконияти тақлиф қилинади. Яширин тусда, албатта. Натижада, гўр ёшлар ўзлари билмаган ҳолда гиёҳвандлик моддалари савдосига аралашиб қолмоқда. Оқибатда улар саккиз йилдан ўн беш йилгача қамалиши мумкин.

"Юқори ҳақ тўланадиган" ишлар ҳақидаги эълонларни шаҳар кўчаларида ҳам кўлаб учиратасиз. Кўпинча улар биноларнинг деворлари ёки пичедалар йўлакларига ёзиб қўйилади.

Энди навбатдаги саволга ойдинлик киритсак: гиёҳвандлик моддаларини буюртма қилиш шунчалик осонми?

Биз "қора саҳифа"лардан бирига кириб, кладмен билан алоқа чиқишга уриниб кўрдик. Интернетнинг фаол фойдаланувчиси учун бу иш қийинчилик туғдирмайди. Шахсан эсим, гиёҳвандлик моддалари сотувчида ихтисослашган йирик веб-ресурсни топиш учун 90 дақиқа вақт сарфладим.

Юртимиз фуқароларини гиёҳвандлик моддалари олдидан сўлдидан қандай ҳимоя қилса бўлади?

Ҳеч қандай. Қопқонга тушмаслик ва пировардида жиноятчига айланмаслик фақат ўзимизга, ақлу фаросатимизга боғлиқ. Осон йўл билан топишга пул сизга кўпдан-кўп ноҳушлик олиб келиши ҳамда ҳаётингизни барбод этиши мумкинлигини зинҳор унутманг. "Пул ҳаловатимдан азизроқми?", "Яқинларимнинг кўз ёши ва азобларига арзийдими?" деган саволларни ўзингизга бот-бот беришдан тўхтаманг. Шунда кулфатдан йироқ бўласиз.

## YUKSALISH

Боборовшан ҒОЗИДИНОВ

Қашқадарё — қадимдан дунё аҳлини ўзига оҳанрабодай тортиб келган мўъжизакор диёр. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Муаррихлар Искандар Зулқарнайн ям-яшил боғларга бурканган Кешнинг ободлигини кўриб, ҳайратлангани ҳақида ёзади.

Шаҳрисабз шаҳри буюк алломаю авлиёлари билан ҳам машҳур. Манбалардан VII асрдан XII асргача бу ердан олтимишдан ортиқ муҳаддис, муфассир, фақиҳ ва тарихчи олимлар етишиб чиққани маълум. Қўҳна Кешнинг таровати бугун ҳам дунё аҳлини ўзига ром этиб келмоқда. Биргина Оқсаройни зиёрат қилиб, ўтмишга саёҳат қилгандек бўласиз. Яқин йилларда қайта тикланган Самарқанд дарвозаси сизни келбати билан ҳайратга солиши аниқ. Дарвоза қадимги қалъанинг ҳимоя деворини эслатади. У ердан ичкарига — Оқсарой майдонига кириб борар экансиз, кўнглингиз ёришади. "Дор ут-тиловат", "Дор ус-сиёдат", "Гумбази саймон" сингари меъморий ёдгорликлар



кишини бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Кувонарлиси, бугунги кунда Шаҳрисабзнинг сайёҳлик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш учун самарали ишлар олиб борилмоқда. Юртимизда ик бора ўтказилаётган Халқаро мақом фестивали сабаб бир йўла етмишдан ортиқ мамлакатдан уч юздан зиёда вакил азим кентда жам бўлди. Улар нафақат бой тарихимиз, балки ранг-баранг санъатимиз ҳамда хунармандчилик аъна-наларига ҳам катта қизиқиш билдирмоқда.

Шаҳрисабз мафтункор



шаҳар. Бироқ уни халқаро туризм марказига айлантириш учун Оқсаройнинг ўзинигина кўз-кўз этмоқ kifов эмас. Қашқадарёда бошқа кўплаб ёдгорликларга ҳам жозибадор

тус бериш, атрофини ободонлаштириш, ҳулмас, талабга жавоб берувчи туристик инфратузилмани яратиш зарур. Мазкур йўналишда ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, сўнгги икки йил ичида тўққизта меҳмонхона, олтимишта меҳмон уйи ва юзта ресторон фойдаланишга топширилди. Улардаги хизмат кўрсатиш сифати юқори даражада. Бундан ташқари, марказий йўллар кенгайтирилиб, шаҳар янгича қиёфа касб этган. Аммо туманларни бир-бири билан боғлайдиган ички йўлларнинг барчасини қорниқарли аҳволда деб бўлмайди.



# ҚАШҚАДАРЁ: ИМКОНИЯТДАН НАТИЖА САРИ

— Қисқа муддатда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев. — Лекин булар ҳамир

олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун туризм соҳаси мутасаддилари олдида анчайин жиддий вазифа қўйилган. Аввало, сайёҳлар учун



қулай шароит яратиш лозим. Бунда фақат хизмат кўрсатиш турлари эмас, балки сайёҳлар бориши мумкин бўлган манзиллар сони ҳам кўпаймоғи даркор. Шу мақсадда, айтилаёлик, Қарши туманидаги Абул-Муъйин ан-Насафий мақбарасини обод қолга келтириш зияратчиларга зарур шароитлар яратиш бўйича жиддий ишлар қилинмоқда. Қарши шаҳрида қайтадан тикланган Амир Темур кўприги ҳам меҳмонларга манзур бўлиши аниқ. Қолаверса, Қашқадарё соҳилини замонавий дам олиш зонасига айлантиришга доир сайёҳаракатлар алоҳида эътиборга моликдир.

Умуман олганда, вилоятда диққатга сазовор масканлар оз эмас. Бундан унумли фойда-

ланиш керак, албатта. Биргина факт: юртимизда ташкил этилган илк меҳмон уйи айнан Шаҳрисабзда жойлашган. "Эшонипир" деб номланган меҳмонхонада тўққиз нафар киши кўним топиши мумкин. Хонадон икки юз йил аввал бунёд этилган. Унда меҳмонхона эгаси Рашид Ҳайдаровнинг ажда-лари яшаган. Тарихий маскан уша вақтда қандай қурилган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай ҳолатда. Хоналар кашта солиб тикилган сўзанаю палак каби халқ амалий санъати намуналари билан безатилган. Ҳовлисида эса, қадимги рўзгор буюмларини учратиш мумкин. Катта кўчадан ҳовлига олиб борувчи тошлоқ йўл ва паҳсадан урилган девор ҳам ўша даврнинг руҳини беради. Ўзбекна тандир-ўчоқда меҳмонлар миллий таомларини пишириши ёки нон ёпиши мумкин.

— Вилоят ҳудудида Амир Темур гори жойлашган, — дейди журналист Болат Жўраев. — Утган асрнинг 90-йилларида уша горга кирганман. У ерни шиноатлар мақони десак бўлади. Уйлашимча, сайёҳларнинг горга



бориши учун шароит яратиш керак. У олис тоғли ҳудудда жойлашганини ҳисобга олсак, бу осон бўлмайди. Аммо имкон бор. Ахир, табиат билан уйғунлашган тарих кимни қизиқтирмайди дейсиз.

Ҳа, Қашқадарёнинг туристик салоҳияти беқийс. Бугун ундаун тула фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Меҳнат-севар ва меҳмондўст воҳа аҳли ҳамжиҳатлик ила бу йўлда кўзланган мақсадга етишига шубҳа йўқ.

# "KIKI-CHALLENGE" ЭПИДЕМИЯСИ

Аммо ақли жойида, воқеа-ҳодисаларни тўғри англай оладиган инсонлар ҳам айни касалликка чалинганга нима дейсиз? Ҳа, шунда бироз эҳтиёт қилса бўларди! Шунда бу юқумли касаллик унинг онгига кириб олмасми? Бунда ҳам бир чегара, меъёр бўлиши керак эмасми?


"Kiki-challenge" эпидемияси бизнинг юртимизга ҳам ёпирилиб кирди. Бу таниқли санъаткорлар томонидан омалаштирилмоқда. Ижтимоий тармоқларда ўзини кўз-кўз қилиш, атрофдагилар эътиборини тортиш, диққат марказида бўлиш "касалиги" жуда авж олаётгани маълум. Аммо бу одоб-ахлоқ чегарасини босиб ўтиш ёки миллий меъра-ҳодисаларга ҳош бўлмаган хатти-ҳаракатларни бажариш мумкинлигини англамайди.

Бу кўнгилишулик, кайфиятни кўтариш, шунчаки рақсга тушиш эмас. Балки кўр-кўрона кимгадир тақдир қилиш ва маданиятсизликнинг бир кўринишидир. Бунинг ортида ахлоқсизлик бор, дейётганимизнинг сабаби, ушбу қўшиқнинг сўзларига бориб тақалади. Уни қуйидагича таржима қилдик:

Кики мени савсанми? Сен ким билансан?  
Сен мени ҳеч қачон ташлаб кетмайман,  
деб айтганинг.

Мен сени хоҳлайман, сен менга кераксан,  
Ва мен ҳар доим сен билан қўришишга тайёрман...  
Кейинги бандларда бош-

қасини севиб қолгани, уни қора танли йигитга алмаштираётгани ҳақидаги жумлалар ҳам бор.  
Инсон таом таллаётганида



унинг сифати, тайёрланиши, сақланиши, фойдаси каби жиҳатларга эътибор қаратади. Аникроғи, он бу каби маълумотларни "фильм"дан ўтказди. Аммо маданиятимиз, миллий тафаккуримизга берилаётган озукани нега сараламай қабул қилаёلمиз? Бугун биз уйламай босган қадимий эртага келажакимиз, фарзандларимизнинг тақдирига сабий таъсир кўрсатмайми? Ахлоқсизлик, кўр-кўрона эргашши, тақдир қилиш каби иллатларнинг авж олишига сабаб бўлмайми? Нега атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этмасдан, бепарво, эътиборсиз бўлаяпмиз? Ижтимоий тармоқларда ҳам "оммавий маданият"нинг бу кўринишига қимдир уйламай эргашётган бўлса, кўпчилик қатъий қораламоқда.

Маълумат: Маданият қани, уят, ибод қани? Артистларимизнинг ахволи шу бўлса, бошқалардан нимани кута-

Ўзбекистон ҳудудида энди авж олаётган бу «касалик» бошқа давлат ёш қаринсининг онгини аллақачон захарлаб бўлди. Бунга қарши таъсир сифатида таъсир олишга ҳам улғуриши.

"Kiki-challenge" туфайли қанча одам гилдираклар остида қолиб кетаётгани, турли фалокатларга йўлиқаётгани ҳар кун интернетда чиқиб турибди.

Шунчаки бизни оломон сифатида ҳар йўриққа, исталган мақомга «йўрғалатиш» жуда осонлиги ташвишга солади. Ахир инсон онгли мавжудот-ку. Кўргани, эшитгани, кимнингдир қилиғини кўр-кўрона такрорлаш қанчалик тўғри?

Фарбликлар "Kiki-challenge" пандемиясига қарши курашни аллақачон бошлаб юборган. Масалан, испан полицияси расмий сайтда «Ўсмир ёшлар автомобиль воситаларида ушбу флешмоби қўллаши тақиқланади. Автомобиль ўйинчоқ эмас, уни масъулият билан бошқариш» деган таъкидлар пайдо бўлди. Боадилья-дель-Монте шаҳри ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

идораси ўзининг расмий твиттерига мазкур флешмоб оқибатида вафот этган ёки жароҳатланганлар видеосини жойлаштирган. Йўл ҳаракати қоидаларини назорат қилувчи яна бир европолик мутахассис телевидение орқали: "Бу мен интернетда кўрган энг аҳмоқона нарсалардан бири. Сиз, "хурматли" касаллик тарқатувчилар, бу хатти-ҳаракатингиз билан, аввало ўзингизни, кейин эса бошқаларнинг ҳаётини хавф остига қўйяётиз", — деди.

## HAYOT MANZARASI

## "AYIQ BOLA" IZTIROBI

Nasiba ABDULLAYEVA

Istirohat bog'ida o'yin-kulgu avjida. Charxpalaklar aylanadi. Har tomonda turli musiqalar sadosi yangraydi. Bolalarini yetaklagan onalar, otalar. Qiy-chuv, barcha baxtiyor... Birgina mahzun — Anvar. U ulkan oq ayiq niqobida. Niqob shunaqangi issiqki, aslo chidab bo'lmaydi. Tashqari ellik daraja bo'lsa, niqob ichi yetmish daraja bor-ov.



ayol, dadasiga ikki tomchi suv kabi o'xshash olti-yetti yoshlardagi bolakay... Anvar ularga peshvoz chiqdi. O'g'ilcha "Ayiq bola"ni ko'rib xursandligidan sakrab ketdi. Dadasiga esa, Nuralidan suratga olishini so'radi. — Bizning toychoq Ayiqning oldida tursin, — deya suratkasiga g'oya berdi u. — "Ayiq ham sizning dilbandingiz, dada, — ichida so'zladi Anvar, — faqat yodingizdan chiqqan, necha yil bo'ldi meni unutganingizga. Bayram, tug'ilgan kunlarimda necha bor yo'lingizni poylaganman". — Eh, kun ertalabdan yondirman deydi-ya, — dedi dadasiga yuzidagi terlarini artib, tayyor bo'lgan suratlarini olarkan. — Ayiq og'ayni, rosa isib ketsang kerak, hammadan ham senga qiyin. — "Albatta, qiyin, dada. Menga qanchalar qiyin bo'lganini aytсам, doston bo'ladi. Otasizlik, ayniqsa, o'g'il bola uchun qiyin. O'g'il bola otadan cheksiz quvvat oladi. Yaxshimi-yomonmi, o'g'rimi-to'g'rimi, o'g'il-g'ila ota suv va havodek zarur, dada. Mana erka o'g'lingizni olib yuribsiz. Onam ikkingiz meni parkka olib borganmisiz?! Esimni taniganimda jiqqamushat janjalningiz, g'urbatli kunlaringizning guvohi bo'ldim. Bir-biringizni tushunib yashaganingizda men ham "Ayiq"qa aylanasdim, dada, — ichida bo'zladi Anvar. — Dada, qonimiz bir, axir, pushti kamaringizdan bo'lganman, menga qanchalar qiyin bo'layotganini savqi tabiiy, ichki sezgingiz, butun vujudingiz bilan his qilib turibsiz. Sizni juda yaxshi ko'raman, dadajon!". — Uchovloning ortidan "Ayiq bola" iztirobi bilan temulib qoldi.

onasi unga qarab ba'zan yig'lab yuboradi.

— Qordec oqarib ketibsan, bolam. Quvvating ham kamayib ketgan-da!

— Onasi o'zi yemay, topganini bolasiga asrab o'tiradi. Anvar volidasi-ning qanchalar siqilayotganini ich-ichidan his etadi.

— Bolam, qo'shimcha ish o'ylayman. Parkka bormay qo'yaqol.

— Yo'g'e, o'rganib qolganman. Qayerda o'rganadi? Issiq tulupni ko'rsa ko'ngli ag'dariladi-yu. Nailoj. Tushumli atraksionlarni uchar tengqurlari egallab olgan. Ularning qo'lida pul o'ynaydi. Anvar ham bir-ikki harakat qildi, bo'lmadi. Shunday paytda yolg'izligi bilinadi.

— Oyi, o'zi zavozlik ham sizga og'irlik qiladi. Chopa-chopi ko'p. Qo'shimcha ish olmang. Balkim boshqa ish toparman.

Eh, boshqa ish topish osonmi?! Yaxshi ishini tanish-bilishsiz topib bo'lmaydi.

Tonggacha ichi kuyib, tinmay suv ichadi. O'rinda yotib, o'yg'a

"Ayiq bola"ning vazifasi turli qiliqlar ko'rsatish, erkatoylarni birga suratga tushishga ko'ndirishdan iborat. Ba'zan boshi aylanib, ko'ngli ozib ketadi. Tantiq erkatoylarning parvoyi falak. Surat-kash Nurali o'ta xudbin odam. Foydaning asosiy qismini oladi, lekin Anvarni holi joniga qo'ymaydi. Bechora chetga chiqib, nafasini rostlamog'chi bo'ladi, lekin surat-kash qung'ur, qani imkon bersa.

Shu la'nati niqobni otib, qiy-malab axlatga ulotirgisi keladi-yu, onasini o'ylaydi. Maktabda xo'jalik ishlari mudiri bo'lib ishlovchi onaning topgani nima bo'ladi?! Yeb-ichish, kiyim-kechak, kom-munal to'lovlar... Dadasiga jo'natadigan alimant to'xtaganiga ham yil bo'lyapti.

Anvar tengilar hozir oliyog'hlarda o'qiyapti, otasi "baquvvat"lari savdo do'konlarini yuritaypti.

Kechqurun parkdagi shovqinlardan quloqlari bitib, holdan toyib, arang uyiga yetib oladi. "O'lgan-ning ustiga tepgan" deganlaridek,

## BILASIZMI?



Quyidagilarni O'zbekiston Respublikasi hududidan olib chiqish qonunan man etilgan:

- ✓ ellik yil va undan oldinroq yaratilgan madaniy boyliklar;
- ✓ davlat tomonidan muhofaza ro'yxatlari va reestrlariga kiritilgan madaniy boyliklar;
- ✓ O'zbekistonning davlat va jamoat muzeylari, arxivlari, kutubxonlari va boshqa saqlash joylarida doimiy saqlanayotgan madaniy boyliklar.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

## HIKMAT



Yosh har qancha bo'lsin ishda g'ayratli,  
Ko'p ko'rgan keksaning ishi ibratli.

Hisrav Dehlayiy

"MOVIY SAYYORA" DEB NOMLANGANDI YER,  
KELGUSI AVLODGA AJDODLAR NE DER?!

She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.

## BUGUNNING GAPI

Zebo MURODOVA

Ko'pchilik qo'l telefoniga hojatbaror matoh, "aqli" dastyor sifatida qaraydi. Darhaqiqat, shunday. Telefon allaqachon hayotimizning ajralmas bo'lagiga aylanib ulgurdi. Psixologlar mobil aloqa vositasiga bog'lanib qolishni kasallik sifatida tavsiflamog'da. Bu asossiz fikr emas, albatta.

Telefonni chetga surib,  
KITOB O'QI, YAXSHISI

Yana bir xavotirli jihatga e'tiboringizni qaratsak. Bugungi kunda dunyoda qayd etilayotgan yo'l-transport hodisalarining 26 foizi aynan qo'l telefonlari tufayli sodir bo'lmoqda. Ba'zilar hatto o'sha "sevimli o'yinchog'i" bilan birga uxlaydi. Bu juda zararli. Olimlar telefon odamdan qancha uzoqda tursa, uyqu shuncha tez eltishini isbotlagan.

Ayrim oliftalar uyg'onishi bilan telefonini tikilashga tushadi. Vaholanki, organizm odatiy maromda ishlab ketishi uchun yarim soatcha vaqt kerak.

— Telefonomaniya bedavo dard emas, — deydi ruhshunos

Nigora Isroilova. — Undan qutulish uchun kuchli istak va iroda kerak. Telefondan imkoni boricha faqat muloqot maqsadida foydalaning. Albatta, bu qiyin. Lekin ilojisiz emas. Aytaylik, do'konga yoki sayr qilishga chiqqanda telefonni uyda qoldirangiz bo'ladi. Uyda ham hadeb yoningizda olib yurmay, bir chetga qo'yib qo'ying. Bo'sh vaqtni to'g'ri rejalashtirish ham muhim ahamiyatga ega. Uni mobil yoki kompyuter o'yinlari hamda turli ijtimoiy tarmoqlarga sarflashni tavsiya qilmayman. O'rninga do'stlar bilan kinoga, teatrga borish, undan ham yaxshisi kitob o'qish afzalroq.

## KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

18 sentabr. Maktabdan qaytganman-u, quvonchim ichimga sig'maydi. Ertaga tug'ilgan kunim. Onam menga qo'l soati sovg'a qilishni va'da bergan. Shuni o'ylab, yuragim entikadi. Ammo uyda har kuni janjal bo'lishini eslasam, yana g'amga cho'maman. Otam o'g'lim yo'q, deb o'ksinadi. To'rtta opamdan keyin o'g'il tug'ilishini kutgan. Afsuski...

AGAR O'G'IL  
BO'LGANIMDA...

Gulmira NUSRATOVA

Kun davomida onajonim va opalarimni kuzatdim. Hamma ertangi kun haqida unutgandek go'yo. Dadam ishdan doimgidek kech qaytdi. Yana urush qo'zg'adi. O'rtaga tushgan katta opamning sochi yulindi, onamning ko'zi ko'kardi... Kechasi bilan yig'lab chiqdim.

19 sentyabr. Bugun tug'ilgan kunim. Opalarim o'zi bilan o'zi ovora. Meni hech kim tabriklamadi. Qovog'imni uyib maktabga jo'nadim. Darsim tugab, uyga oshiqdim. Yo'lda ketar ekanman, yaqinlarim tug'ilgan kunimni unutganiga ishongim kelmasdi. Xayriyat, men o'ylagandek bo'lib chiqdi. Eshikdan kirishim bilan hamma meni tabriklashga tushdi. Faqat dadam yo'q. Kech bo'ldi. Onam oshni suzdi. Opalarim onam va'da qilgan sovg'aga havasi kelib

tikiladi. Men esa, xursand! Ammo bu quvonch uzoqqa cho'zilmadi. Darvozani tepib, mast holatda hovliga kirgan dadamni ko'rib, qo'rqib ketdim. Yana urush-to'polon.

— Sen o'g'il tug'olmaysan! Seni uchratgan kunimga ming la'nat. Bir gala qiz tug'ib berding. Nafratlanaman sendan, — deb onamni ura boshladi. O'rtaga tushgandim, meni ham ayamadi. Qo'limga hali taqib ulgurmag'an sovg'am dadamning oyog'i ostida chilparchin bo'ldi.

— Agar o'g'il bo'lganimga do'stlarimni chaqirib, tug'ilgan kuningni restoranida nishonlab berardim, — deydi otam achchiqlanib. O'sha gap hamon qulog'im ostida jaranglaydi. Uni eshitmaslik uchun bir umrga kar bo'lib qolishni juda istardim...

Dizayner  
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich

Navbatchi  
Akbarjon Abduraimov

"YOSHLAR OVOZI"dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Yoshlar ovozi uchun 2018-yilning eng yaxshi ijodchisi



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-936  
Adadi — 11779

Bosilgacha topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 23.20

O'fset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5

Gazeta materiallarni tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.